

ЎЗБЕКИСТОН ВА ШҲТ: КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ



ШҲТ 24 йил ичида муҳим шаклланиш йўлини босиб ўтди ва замонавий халқаро меъморчиликнинг муҳим қисмига айланди. Бугунги кунда ШҲТ Евроосиёнинг барқарорлиги ва ривожланишига ҳисса қўшаётган обрўли ва нуфузли бирлашмадир. Ташкилотга аъзолик 6 тадан 26 та иштирокчига (10 та аъзо-давлат, 2 та кузатувчи, 14 та мулоқот бўйича шерик) кўпайди ва ШҲТга бўлган қизиқиш ўсишда давом этмоқда. Халқаро ҳамжамият Ташкилотни тинчлик ва барқарорликка қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштирувчи куч сифатида эътироф этади.

Бизнинг фикримизча, ШҲТнинг ютуқлари, унинг тобора ўсиб бораётган салоҳияти ва халқаро нуфузи кўп жиҳатдан қатор муҳим шартларга риоя этилиши туфайли содир бўлди.



Биринчидан, аъзо-давлатларнинг «Шанхай руҳи» асосий тамойилларига –ўзаро ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, ўзаро маслаҳат, маданий хилма-хилликни ҳурмат қилиш ва умумий ривожланиш истагига қатъий риоя қилишидир. ШҲТ фаолияти мулоқот ва ишончга асосланган бўлиб, қарорлар яқдиллик ва муроса асосида қабул қилинади.

Иккинчидан, блокдан ташқари мақом, очиқлик, учинчи давлатлар ёки ташкилотларга қарши турмаслик, иштирокчиларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, бу- ШҲТ халқаро ҳуқуқий жозибаторлигининг кафолати. Бу, ШҲТга «танланган йирик давлатлар клуби» бўлишига имкон бермади, балки уни турли мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқа қилишга тайёр бўлган очиқ бирлашмага айлантирди.

Учинчидан, Марказий Осиё кенгайиш жараёнларига қарамай, ШҲТнинг «географик ядроси» бўлиб қолмоқда, бу барча аъзо-давлатлар ўртасидаги муҳим ўзаро боғлиқлик бўлиб, эътибор ва ресурсларни тарқатишга имкон бермайди.

Ўзбекистон Республикаси ШҲТнинг асосчи-давлатларидан бири бўлиб, Ташкилотнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. Мамлакатимиз ШҲТга 2003–2004, 2009–2010, 2015–2016 ва 2021–2022 йилларда – жами тўрт марта раислик қилди. Ўзбекистон томони саъй-ҳаракатларини ШҲТнинг норматив-ҳуқуқий ва институционал асосларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аъзо-давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирди.

2017 йилдан Президент Ш.М. Мирзиёев раҳбарлиги остида Ўзбекистон ШҲТ доирасида ҳамкорликни ташаббускорлик билан ривожлантиришга киришди. Сўнгги 7 йил ичида мамлакатимиз раҳбари хавфсизлик, саноат ва технологик кооперация, ўзаро транспорт-логистика алоқаси, инновациялар, рақамли ҳамда «яшил» ривожланиш, туризм, таълим ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 70 га яқин муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Бугунги кунда ушбу ташаббуслар ШҲТнинг дастурий ва концептуал ҳужжатларида, кўп томонлама ҳамкорликнинг янги механизмлари кўринишида изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ШҲТ халқаро ҳамкорлик учун очиқ бўлган инклюзив майдон бўлиб қолиши, сиёсий қарама- қаршилиқни истисно қилиши ва «Шанхай руҳи» тамойилларига содиқ қолиши керак, деган позицияга амал қилади.

Мамлакатимиз барча иштирокчиларнинг манфаатларига жавоб берадиган муҳим йўналишларда амалий ҳамкорликни ривожлантириш орқали ШҲТнинг салоҳиятини намоён қилишдан манфаатдор.

Биринчидан-ШҲТ маконида хавф сизлик ва барқарорликни таъмин- лаш. Замонавий халқаро муносабатлар қарама-қаршилиқларнинг кучайиши ва мамлакатлар ўртасидаги ишончнинг

пасайиши билан тавсифланади. Дунёда ҳали ҳануз кескинлик ўчоқлари ва қуролли тўқнашувлар сақланиб қолмоқда. Стокгольм институти маълумотларига кўра, 56 та фаол можаро мавжуд бўлиб, шулардан 7 таси ШХТ манфаатларига ўзи таъсирини кўрсатади.

Афғонистон, Сурия, Ироқ ва Яқин Шарқнинг бошқа мамлакатларида фаолият юритаётган халқаро террористик ташкилотлар минтақадаги вазиятни беқарор- лаштиришга интилиб, катта хавф туғдирмоқда.

ШХТ доирасида хавфсизлик масалалари бўйича хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун хавфсизлик кенгашлари, мудофаа вазирлари, ички ишлар вазирларининг мунтазам йиғилишлари ва экспертлик форумлари каби ҳамкорлик механизмлари жорий этилган. ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ваколатли органларга терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик қилишга ёрдам беради. Сўнгги икки йил ичида махсус хизматлар 69 та терактнинг олдини олди, террорчиларнинг 73 та бошланғич гуруҳини аниқлади ва 13 000 дан ортиқ молиялаштириш каналларини фош этди.

Шунга қарамай, замонавий таҳдидлар илғор технологияларни жорий этиш ва махсус хизматлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали аксилтеррор тузилмаларининг самарадорлигини оширишни талаб қилади. Террорчиларнинг рақамли технологиялардан фойдаланишига қарши курашиш муҳим йўналиш саналади. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш тўғрисидаги ҳамкорлик Битимини ва ШХТ маконида экстремистик мафкурага қарши Қўшма дастурни қабул қилишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилмоқда, чунки у ерда хавфсизлик ва тинчликни таъминлаш бутун минтақанинг барқарорлиги ва фаровонлиги учун ғоятда муҳимдир. Афғонистон қуролли можаролар, қашшоқлик ва иқлим ўзгариши натижасида юзага келган улкан гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий инқирозни бошдан кечирмоқда. БМТТД маълумотларига кўра, аҳолининг қарийб 85 фоизи қашшоқлик чегарасидан пастда яшайди ва оилаларнинг 93 фоизи озик-овқат танқислигига дуч келмоқда.

ШХТга аъзо-давлатлар Афғонис- тоннинг энг яқин қўшнилари сифатида вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам бериши мумкин. Бунда «ШХТ- Афғонистон» алоқа гуруҳи ишининг қайта тикланиши ва Афғонистон гуманитар ёрдам жамғармасининг ташкил этилиши муҳим роль ўйнайди.

Иккинчидан-иқтисодий ўлчов ва транспорт-логистика ўзаро боғлиқлигида стратегик ютуққа эришиш.

ШХТнинг иқтисодий қиймати унинг ўзини ўзи таъминлаши билан ортади: унинг маконида саноат ва инновациявий ривожланиш бўйича етакчи, муҳим табиий хом ашё ва инсон салоҳиятига эга бўлган жадал ривожланаётган иқтисодиёт мавжуд.

ШХТга аъзо-давлатларнинг ЯИМ жаҳон ЯИМнинг қарийб 25 фоизини (23 трлн. долл.) ташкил этади ва 2030 йилга келиб 35-40 фоизгача ўсиши прогноз қилинмоқда. Минтақада дунё аҳолисининг 40 фоиздан ортиғи – 3,2 млрд. киши истиқомат қилади. ШХТ мамлакатлари дунёдаги нефть захираларининг тахминан 22 фоизига (345 млрд. баррел) ва табиий газ захираларининг 35 фоизига (90 трлн. кубометр) эга.

Иқтисодий ҳамкорликни ривож- лантириш мақсадида «ШХТ аъзо- давлатларининг 2035 йилгача даврга мўлжалланган кўп томонлама савдо- иқтисодий дастури», «Минтақалараро савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси», «ШХТ доирасида саноат кооперациясини рағбатлантириш дастури», «ШХТнинг 2030 йилгача иқтисодий ривожланиш стратегияси» ва ҳ.к.лар каби асосий ҳужжатлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Тошкентнинг саноат кооперацияси марказлари, махсус иқтисодий зоналар альянси, янги иқтисодий

мулоқот дастурлари, савдо тартиб- таомилларини соддалаштириш бўйича битим ва электрон тижоратда ҳамкорлик дастурларини яратиш ташаббуслари савдо-сармоявий ҳамда саноат-технологик кооперация учун қўшимча рағбат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Шарқ-Ғарб ва Шимол-Жануб йўналишларида инклюзив транспорт тизимларини шакллантириш, денгиз портлари ҳамда ташқи бозорларга чиқиш учун кўп вариантли транспорт йўлакларини яратиш тарафдори бўлгани ҳолда транспорт ва логистика ривожига алоҳида аҳамият қаратмоқда.

«Ўзаро боғлиқликни ривож- лантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича концепцияси»ни амалга ошириш, «ШХТ давлатларининг транспорт ўзаро боғлиқлигининг ягона харитаси»ни ишлаб чиқиш, шунингдек, темир йўл йўлаклари лойиҳаларини илгари суриш («Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон», «Термиз-Мозори-Шариф» – Қобул-Пешовар») транспорт-логистика ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади.

Ўзбекистон Президентининг БМТ шафелигида Тошкентда интақалараро ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси трансминтақавий интеграциялашган транспорт-логистика тизимини ривожлантиришга янги туртки беради. Учинчидан – иқлим ўзгариши таъсирига қарши биргаликда курашни кучайтириш.

ШХТнинг барча мамлакатлари иқлим ўзгаришининг салбий таъсирига у ёки бу даражада дуч келишмоқда. Марказий Осиё – иқлим ўзгариши аллақачон экологик вазиятга, сув ресурсларига ва иқтисодий ривожланишга жиддий таъсир кўрсатадиган энг заиф минтақалардан бири.

Сўнгги 30 йил ичида минтақадаги ҳарорат Цельсий бўйича 1,5 даражага ошди, бу – дунё ўртача кўрсаткичидан икки баравар тез (0,7 даража). Бу ерларнинг кескин деградациясига, музликларнинг жадал эришига (уларнинг ҳажми 30-50 йил ичида 30% га камайди) ва сув танқислигининг ошишига олиб келди. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, бу омиллар минтақадаги экинлар ҳосилдорлигини 30 фоизга камайтириши мумкин.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашга салмоқли ҳисса қўшмоқда ва бу борадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурмоқда.

2019 йилда Бишкекда бўлиб ўтган ШХТ саммитида Ўзбекистон Президенти замонавий ресурсларни тежайдиган ва экологик тоза технологияларни жорий этиш учун ШХТнинг «Яшил камар» дастурини, шунингдек, «ақлли» қишлоқ хўжалиги ва агроинновациялар соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик концепциясини қабул қилишни таклиф этди.

2022 йилдаги ШХТнинг Самарқанд саммитида сиёсатчилар, олимлар, экологлар ва бизнес-ҳамжамият иштирокида иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича қўшма ҳаракатларни ишлаб чиқиш учун ШХТ Иқлим кенгашини ташкил этиш ғояси илгари сурилди.

2023 йилда Нью-Дехлида бўлиб ўтган саммитда Ўзбекистон Президенти ШХТнинг «Яшил камар» дастури доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик соҳасида кўп томонлама ҳамкорлик самарадорлигини оширадиган минтақавий экологик лойиҳаларни илгари суриш ва «яшил» технологияларни жорий этиш бўйича қўшма ҳаракатлар Режасини қабул қилишни таклиф этди.

Тўртинчидан – маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Ўзбекистон ШХТ мамлакатлари халқлари ўртасида ўзаро англашув, ишонч, яхши қўшничилик ва дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг фаол тарафдори саналади.

Тошкент ШХТ «кўп миллатли оила»сининг бой тарихий мероси, анъаналари ва маданияти билан таништиришга қаратилган фестиваллар, форумлар, симпозиумлар, кўргазмалар, маданият кунлари

ва бошқа тадбирларни ўтказишни қўллаб-қувватлайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон томонидан маданият, таълим, туризм, соғлиқни сақлаш, спорт соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда ёш авлод ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича ташаббуслар илгари сурилди.

Қўшма кўргазмалар, концертлар, театр гастроллари, форумлар, кино- фестиваллар ва тақдимотларни, шу жумладан электрон платформалардан фойдаланишни ўз ичига олган интенсив маданий алмашинувнинг йиллик тақвим дастури таклиф этилди. Бу ШХТ мамлакатлари ўртасида маданиятлараро мулоқотни кенгайтириш, дўстона муносабатлар ва халқ дипломатиясини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ШХТ аҳолисининг 55 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда, Тошкент «ШХТ-илғор ғоялар ва келажак ташаббуслари макони» мавзусида ёшлар ўртасида мулоқот алмашинувини кенгайтириш бўйича тадбирлар дастурини бошлади.

Шунингдек, сайёҳликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ШХТ макони дунё аҳолисининг 40% дан ортиғини қамраб олган ва улкан сайёҳлик салоҳиятига эга.

ШХТга аъзо давлатлар, кузатувчилар ва шерикларнинг маданий мероси сайёҳлик учун муҳим бўлган ва турли мамлакатлардан сайёҳларни жалб қиладиган 207 та ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси объектини ўз ичига олади.

Туризм салоҳиятини очиб бериш учун туризм идоралари, туроператорлар, авиакомпаниялар ва туризм соҳасидаги таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш орқали юқори сифатли ва арзон умумминтақавий сайёҳлик маҳсулотларини ишлаб чиқиш таклиф этилмоқда.

Гастрономик, соғломлаштириш, зиёрат, экотуризм, этнотуризм, агротуризм ва туризмнинг бошқа машҳур турларини биргаликда ривожлантириш имконияти кўриб чиқилмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон ўзини ШХТнинг масъулиятли, ташаббускор ва конструктив иштирокчиси сифатида намоён этиб, хавфсизлик ва иқтисодий ўзаро боғлиқликдан тортиб, экологик кун тартиби ва гуманитар ҳамкорликкача бўлган барча даражаларда Ташкилотни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистоннинг ШХТдаги фаолияти «Шанхай руҳи» тамойилларини амалга оширишга қаратилган бўлиб, мамлакат ташаббусларини илгари суриш эса, ШХТ маконидаги кўп қиррали шерикликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Бахтиёр Мустафаев

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори ўринбосари